XALQ DEPUTATLARI SHAYXONTOHUR TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 11 - aprel II-54-47-14-205-K/22 Shayxontoxur tumani hokimligi

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг 2021 йил 26 январдаги “Шайхонтоҳур туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2021 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 147/2-31-сон қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан ҳамда Шайхонтоҳур туман адлия бўлимининг 2022 йил 25 февралдаги 08-03-204-сон тақдимномасини муҳокама қилиб, 2021 йил 26 январдаги “Шайхонтоҳур туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2021 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 147/2-31-сон қарори хозирда ўз аҳамиятини йўқотганлиги муносабати билан халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг 2022 йил 7 январдаги “Шайхонтоҳур туманида 2022 йилда юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида” II-49-4-14-205-K/22-сон қарори қабул қилинганлиги муносабати билан 2021 йил 26 январдаги “Шайхонтоҳур туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2021 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 147/2-31-сон қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

Кенгаш раиси **А.Тухтаев**